2010 ЙИЛ 10 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 237 (11.798)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Ислоҳотлар оқимида

## ҚУРИЛИШ СИФАТИ ВА СУРЪАТИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

**Мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари қизғин давом этмоқда. Янги-янги замонавий бино ва иншоотлар қад ростламоқда. Ўз навбатида, қурилиш материалларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда.**

Эътиборли томони шундаки, бундай маҳсулотлар маҳаллийлаштириш асосида ўзимизда тайёрланиб, уларнинг рақобатбардошлиги ва импорт ўрнини боса олиши таъминланаётир. Албатта, буларнинг бари қурилиш сифатини таъминлаш, самарадорлигини ошириш, бунёдкорлар меҳнатини енгиллатиш, импортни камайтиришда, пировардида республикамиз иқтисодиёти ривожида, қурилиш соҳасидаги ислоҳотларни жадаллаштиришда катта роль ўйнамоқда.

«Тошкент қурилиш материаллари комбинати» акциядорлик жамиятида ҳам модернизация ишлари, замонавий ускуналар ўрнатиш ўз самарасини бериб, маҳсулот турларини кўпайтиришда, ишлаб чиқариш ҳажмини оширишда муҳим ҳисса бўлаяпти.

Корхонада девор ва пол учун мўлжалланган безак ашёлари — сопол кошинлар ишлаб чиқарилади. Айни пайтда маҳаллий хом ашёни қўллаш, илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш маҳсулот таннархини арзонлаштиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Италиядан келтирилган «Сити» технологик дастгоҳида айни пайтда йилига 400 минг квадрат метр маҳсулот тайёрланмоқда. Яқин орада тўлиқ қувватни ишга солган ҳолда бу кўрсаткични 650 минг квадрат метрга етказиш кўзда тутилган.

Деярли 300 минг евро инвестиция ҳисобига яна бир замонавий технология жорий этилиб, йилига 2 миллион квадрат метр кошин ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Дарҳақиқат, пировард мақсад хусусида тўхталиш жоиз бўлса, маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш ва халқаро стандартларга мослигига эришиш йўлида тинмай изланишлар давом этмоқда. Бу борада ҳамкорлар билан алоқалар янада мустаҳкамланиб, модернизация жараёнлари босқичма-босқич олиб борилмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, кейинги йилларда маҳсулот дизайнига эътибор ортди. Бу, албатта, харидор ва буюртмачилар сафи кенгайишига замин яратяпти. Гул ва нақшлар билан безатилган кошинлар, ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилган ҳошиялар айниқса харидоргирдир. Кошинлар ранги 35 хилдан ортиб, танлаш имконияти ҳам кенгайди.

Корхонада жорий йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида 296,3 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлинди. Бу ўтган йилнинг шу даври билан солиштирганда ўсиш суръати 1,6 баравар ошганлигини кўрсатади. Эндиликда эса фақатгина ички бозорга маҳсулот етказиб берибгина қолмай, «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиғи остида қўшни давлатларга экспорт қилиш ҳам режалаштирилган.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**Козим Ўлмасов олган сурат**

**Ўзбекистоннинг чет элдаги дипломатик ваколатхоналарида бўлиб ўтаётган матбуот анжуманлари, брифинг ва давра суҳбатларида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси ҳамда мамлакатимизнинг бугунги тараққиёти чет эл илмий тадқиқот ва ишбилармон доиралари вакиллари, ҳуқуқшунос олимлар томонидан кенг муҳокама этилмоқда.**

## ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ БАРПО ЭТИЛДИ

Хусусан, Ўзбекистоннинг Сингапурдаги элчихонасида бўлиб ўтган брифингда сўзга чиққан **Сингапур халқаро тадқиқотлар мактаби доктори Арабинда Ачарья**нинг қайд этишича, «Ўзбекистон раҳбарияти томонидан илгари сурилган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасидаги ташаббуслар, шубҳасиз, юксак эътирофга муносиб бўлиб, мамлакатда демократик институтларнинг тадрижий ривожланиши жараёни кечаётганлигидан дарак беради».

Унинг фикрига кўра, Ўзбекистонда мустақиллик йилларида инсонларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш борасида амалга ошириб келинаётган ва бугунги кунда ўзининг мислсиз натижаларини бераётган кенг кўламли чора-тадбирлар алоҳида аҳамиятга эгадир. «Мен мамлакат суд-ҳуқуқ тизимида босқичма-босқич олиб борилаётган ислоҳотлардан яхши хабардорман. Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши, «Хабеас корпус» ва ярашув институтларининг таъсис этилиши мазкур ислоҳотларнинг нечоғли самарадор эканлигининг яққол далолатидир», деди у, жумладан.

«Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга ошириб келинаётган ислоҳотларнинг алоҳида ажралиб турадиган жиҳати шундан иборатки, — давом этади эксперт, — уларнинг асосида ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинлиги ҳамда шанини ҳимоялашга даъват этувчи халқнинг кўп асрлик анъаналари ўрин олган».

«Президент Ислом Каримовнинг сиёсий, суд-ҳуқуқ тизими ва иқтисодий соҳалар бўйича илгари сураётган таклифлари, ҳеч шубҳасиз, улкан аҳамиятга эга бўлиб, мамлакатда демократик ва суд институтларини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, юрт тинчлиги ва аҳоли фаровонлигини бундан-да оширишга хизмат қилади», дея ишонч билдирди А.Ачарья.

**Сингапур тадбиркорлари федерацияси президенти Жорж Хуанг**нинг таъкидлашича, жаҳон ҳамжамияти Ўзбекистон кўплаб мамлакатлар асрлаб интилган ютуқларга нисбатан қисқа давр ичида эриша олганининг гувоҳи бўлмоқда. Унинг кузатишларига кўра, тараққиётнинг ўзбек модели ўзининг юксак самарадорлигини намоён этиши билан бир қаторда, мамлакат раҳбариятининг узоқни кўра билиб, оқилона иқтисодий сиёсат юритгани натижасида мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот кўрсаткичлари 3,5 баробарга, аҳолининг реал даромадлари эса 3,8 баробарга ўсди.

*(Давоми 2-бетда)*

## ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

**Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида Ўзбекистон-Британия Савдо ва саноат кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи иқтисодий алоқалар, нефть-газ, савдо-саноат, сармоя, фан-таълим, сайёҳлик, кимё, озиқ-овқат, фармацевтика ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири, комиссия ҳамраиси Э.Ғаниев Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасидаги ўзаро муносабатлар кўплаб жабҳаларда, жумладан, иқтисодиёт, енгил саноат, нефть-газ, озиқ-овқат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, сайёҳлик, фан-таълим, қишлоқ хўжалиги ва суғурта каби соҳаларда изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун яратилган қулай сармоявий муҳит, зарур шароит ва имтиёзлар, изчил давом этаётган хусусийлаштириш жараёни кўплаб давлатлар қатори Британия ишбилармонларининг ҳам юртимиз билан ҳамкорликка эътиборини тобора ошираётир. 2011 йилнинг Президентимиз Ислом Каримов томонидан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили деб эълон қилиниши мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим бўғини бўлмиш хусусий секторни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибордан далолатдир.

Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасида имзоланган даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф этишга, инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга, иқтисодиёт, таълим, фан ва маданият ҳамда ҳаво транспорти алоқаси, шунингдек, сайёҳлик соҳаларидаги ҳамкорликка оид битимлар ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йилнинг январь-октябрь ойларида мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 2009 йилдагига нисбатан қарийб 12 фоиз ошди. Юртимизда британиялик сармоядорлар билан ҳамкорликда тузилган 372 қўшма корхона, Буюк Британиядаги 109 фирма ва компаниянинг ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар, асосан, озиқ-овқат саноати, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, суғурта ва консалтинг соҳаларига ихтисослаштирилган.

Мажлисда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорлик ҳамда ўз вақтида амалга оширилган инқирозга қарши чоралар боис Ўзбекистон юксак иқтисодий ўсиш кўрсаткичларига эришаётгани, бу хорижий сармоядорларнинг мамлакатимиз билан ҳамкорликка қизиқишини тобора ошираётгани қайд этилди.

Анжуманда Буюк Британиянинг қатор йирик компанияларидан кўплаб вакиллар иштирок этгани ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиши нечоғлик катта эканидан далолатдир.

*(Давоми 2-бетда)*

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **«КАМОЛОТ»** ЁИҲ Ҳамза тумани бўлими томонидан ижодкор ёшлар ўртасида «Тасвирий санъат плюс 5» ҳафталиги ўтказилди.

✓ **ЮНУСОБОД** туманидаги 274-мактабда мамлакатимиз Конституцияси куни муносабати билан «Оқтепа» маҳалласи фаоллари билан ҳамкорликда маънавий-маърифий тадбир уюштирилди.

✓ **СЕРГЕЛИ** туманидаги 267-мактабда «Баркамол авлод йили» Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда мактаб ўқитувчилари иштирокида «Устоз-шогирд» тизимини кенг жорий этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

## XXI аср садоси

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● *Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун 9 декабрь куни Москва шаҳрига жўнаб кетди.*

● *Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрига келди. Мамлакатимиз раҳбари 10 декабрь куни бу ерда Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг сессияси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.*

● Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳайъатининг навбатдаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда асосий эътибор давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга қаратилди.

● Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллиги арафасида Фарғона вилояти Қўштепа тумани Қумтепа маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳа асосида барпо этилган 30 та замонавий уй ўз эгаларига топширилди.

● Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг янги барпо этилган маслаҳат-ташхис поликлиникаси фойдаланишга топширилди.

● Урганч шаҳрида «Йил аёли-2010» танловининг Хоразм вилояти босқичи бўлиб ўтди.

● Ғиждувон туманидаги Абади қишлоғида намунали лойиҳалар асосида қурилган 30 та турар жой ўз эгаларига топширилди. «Корхона мукаммал қурилиш» МЧЖ бунёдкорлари бунинг учун 1 миллиард 900 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Бу йил туман қишлоқларида ана шундай замонавий уй-жойлардан 65 таси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

● Ургут туманидаги «Бахт Полимер» Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонасига тўғридан-тўғри жалб этилган юз минг АҚШ долларилик сармоя эвазига замонавий дастгоҳлар ўрнатилди. Йилига 508 миллион дона полипропилен қоплари тайёрлаш қувватига эга ушбу корхонада маҳаллийлаштириш дастури асосида ип ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

### ЖАҲОНДА

● Гаити сайлов комиссияси мамлакатда ўтказилган президент сайловлари натижаларини қайта кўриб чиқадиган бўлди.

● Украина Президенти В.Янукович томонидан амалга оширилган маъмурий ислоҳотлар давомида Вазирлар Маҳкамаси таркиби қисқартирилиб, келгусида 36 киши ўрнига 17 нафар вазир фаолият кўрсатадиган бўлди.

● АҚШ Президенти Б.Обама Россиянинг Бутунжаҳон савдо ташкилоти таркибига кириши дунё иқтисодиёти учун манфаатли бўлишини таъкидлади.

● Кеча Англия пойтахти Лондонда олий ўқув юртлари талабалари шартнома тўловининг оширилиши муносабати билан талабалар томонидан кенг кўламдаги норозилик намойишлари бўлиб ўтди.

● Атлантика ва Тинч океанларини боғловчи Панама каналида кемалар ҳаракати тўхтатиб қўйилди. Бунга минтақада кузатилаётган кучли ёғингарчилик туфайли каналнинг баъзи жойларида сув сатҳи кескин даражада кўтарилганлиги сабаб бўлган.

● АҚШнинг NASA фазо тадқиқотлари ташкилотининг ҳамкорларидан бири бўлган «Lockheed Martin» компанияси Ойнинг Ерга тескари бўлган томонига бортида одамлари билан космик кема юборишга тайёргарлик кўрмоқда. Маълумотларга қараганда, ушбу кеманинг парвози 2016-2018 йилларга мўлжалланган.

● Японияда доллар қиймати кейинги ярим йил ичида энг паст даражага тушиб кетди.

● Италия жанубида енгил машинанинг велосипедчилар гуруҳига урилиб кетиши натижасида 7 нафар спортчи ҳаётдан кўз юмди. Текширувлар давомида ҳайдовчининг гиёванд модда истеъмол қилганлиги аниқланди.

● Хитойда йўловчи поездининг тез юриши бўйича жаҳон рекорди ўрнатилди. «Гармония» локомотиви синов давомида соатига 500 километр атрофида тезликда ҳаракатланди. Янги рекорд Пекин ва Шанхай шаҳарларини ўзаро бирлаштирувчи темир йўл магистралида ўрнатилди.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ҚИСҚА ВАҚТ ИЧИДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ БАРПО ЭТИЛДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Унинг қайд этишича, Ўзбекистон иқтисодиёти глобал молиявий-иқтисодий инқироз даврида ҳам юқори ўсиш суръатларини яққол кўрсата олди, мамлакатда юз минглаб янги иш ўринлари ташкил этилди, йирик сармоявий лойиҳалар амалга оширилди, хусусан, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси сингари истиқболли мегалойиҳалар фойдаланишга топширилмоқда.

«Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳақида ўз мулоҳазаларини билдирар экан, малакали эксперт «Мазкур мультимодал логистика маркази ва эркин иқтисодий ҳудудни ташкил этиш орқали Ўзбекистон Буюк Ипак йўлини қайта тиклади. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида атиги бир йилнинг ичида Осиё ва Европа давлатларининг нуфузли компаниялари билан муҳим лойиҳаларни амалга ошириш ишлари йўлга қўйилгани бунинг қувонарли далилидир», дея алоҳида таъкидлади.

Ж.Хуанг Ўзбекистон Президенти томонидан ушбу Концепцияда белгилаб берилган чора-тадбирлар демократик ва бозор ислоҳотларининг чуқурлашуви ҳамда мамлакат иқтисодиёти либераллашувининг жадаллашишига замин яратиши, шунингдек, минтақада Ўзбекистоннинг илғор саноатлашган давлат сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлашига ишончи комил эканини қайд этди.

**Ўзбекистоннинг Сингапурдаги ахборот-бизнес маркази директори Р.Раман**нинг фикрича, «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги маърузаси мамлакатнинг келгуси тараққиёти стратегиясининг ўта муҳим бўлган асосий йўналишларини белгилаб берди.

«Сўнгги 10 йил давомида Ўзбекистон Республикасининг замонавий тараққиёт йўлини ўрганиб, амин бўлдимки, эришилган бугунги улкан муваффақиятлар ҳукуматнинг давлат барқарорлиги ва хавфсизлиги, иқтисодиёт, инвестиция сиёсатини тадрижий ривожлантириш, демократик институтлар ролини кучайтириш кабиларга йўналтирилган фаол саъй-ҳаракатлари натижасидир», деди у, жумладан.

Шу билан бирга, Р.Раманнинг қатъий ишонч билдиришича, мамлакат раҳбарининг давлат бошқаруви, суд ҳокимияти, сайлов қонунчилиги, оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти институтларининг ислоҳ этилиши йўлидаги ташаббуслари, хусусан, мавжуд иқтисодий ислоҳотларни янада такомиллаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасидаги режалари, шак-шубҳасиз, амалга ошади, «чунки Ўзбекистонда барча қайд этилган йўналишлар бўйича мустақиллик йилларида мустаҳкам асос яратилган».

Ўзбекистон Республикасининг Украинадаги элчихонаси томонидан ташкил этилган брифингда тадбир иштирокчилари мамлакатимиз Президентининг ташаббуслари юзасидан ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Хусусан, **Украина Стратегик тадқиқотлар миллий институти директори маслаҳатчиси, Фуқаролик жамияти муаммоларини тадқиқ этиш маркази раҳбари Виталий Кулик** «Демократик тараққиётга ўтишнинг ўзбек модели: кучли давлатдан кучли жамият сари. Украина учун ижобий тажриба» мавзуидаги маърузасида собиқ иттифоқ республикаларининг ўз мустақиллигини қўлга киритган дастлабки йиллардаги аҳволини қиёслаган ҳолда қисқача таҳлил қилди. Шу ўринда у ўша пайтлардаёқ Ўзбекистон томонидан «ҳокимият тармоқлари бўлинишини конституциявий тамойилга асосан, сиёсий ислоҳотларни ўтказиш, марказда ва жойларда қонунчилик ҳамда вакиллик органлари ваколатлари ва назорат функцияларининг ролини кучайтириш, мамлакат суд-ҳуқуқ тизими мустақиллиги ва эркинлигини таъминлашга оид чора-тадбирларни амалга ошириш зарурати асосида белгилаб олинган» ўз тараққиёт моделининг ишлаб чиқилганига урғу берди.

В.Куликнинг таъкидлашича, инсонлар онгу савиясини демократик ислоҳотлар даражаси ва шиддати билан оптимал тарзда уйғунлаштириш ҳамда мувофиқлаштириш демократиянинг муҳим шарти ҳисобланади. Шу ўринда у тарихий тажрибага таянган ҳолда, «демократик институтларни мамлакатга ташқаридан олиб кириб бўлмас»лигини алоҳида қайд этди.

Экспертнинг фикрича, демократик ўзгаришлар ва демократик институтларни шакллантириш зарурати жамиятнинг ўзи моҳиятан теран англаб етмоғи лозим. Айнан жамиятнинг ўзи уларни ҳаётга татбиқ этиш ва келгусида ҳимоя қилиш учун мумкин бўлган барча воситаларни қўллашга шай туриши керак. Фақат шундай вазиятдагина демократик институтлар муҳим аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, В.Куликнинг айтишича, Ўзбекистонда амал қилиб келаётган Президент бошқаруви шакли бугунги кунда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим кафолат функциясини ўз ичига олади. «Айнан Президент давлат бошқарувини янгилаш, уни янада демократлаштириш ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ташаббускори сифатида Конституция ҳамда мамлакат қонунларига амал қилинишининг асосий кафилидир».

Президент Ислом Каримов маърузасини шарҳлашда давом этаркан, эксперт Концепцияда илгари сурилган янги тартиб-қоидалар ҳукумат, парламент ва сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтиришини алоҳида таъкидлади.

«Ҳукуматнинг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишида партияларнинг сиёсий масъулияти анча кучаяди. Ўзбекистон Президенти ижроия ҳокимият тизимидан чиққан ҳолда, Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарор чиқариш ҳуқуқини ўз зиммасидан соқит қилмоқчи».

Украиналик сиёсатшуноснинг фикрига кўра, Ўзбекистон Президенти томонидан таклиф этилган энг шов-шувли янгилик, бу — ахборот соҳасидаги ислоҳотлардир. Хусусан, унинг айтишича, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши чиқарилган қарорларнинг сифатига нисбатан ҳокимият ва бошқарув органлари масъулиятини янада оширади.

Виталий Кулик навбатдаги муҳим омил сифатида Концепциянинг фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга бағишланган йўналишини қайд этади. Шунингдек у ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурларини ҳаётга татбиқ этиш, гуманитар муаммоларни ҳал қилиш, Ўзбекистон аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини муҳофазалаш борасида нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви тузилмалари билан ўзаро ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқишга йўналтирилган «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамиятга эга эканига ҳам алоҳида эътибор қаратди.

«Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида»ги ва «Экологик назорат тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши эса фуқаролик жамиятини шакллантиришда ўзига хос ўрин тутади. Ушбу қонунлар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга, шунингдек, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни ва аҳамиятини оширишга қаратилганлиги билан ажралиб туради», деди у, жумладан.

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш масалалари хусусида тўхталган украиналик эксперт «Ўзбекистонда қисқа вақт мобайнида фуқаролик жамиятининг қудратли пойдевори шаклланганини тан олмасликнинг иложи йўқ», дея таъкидлайди. Шу ўринда у Шарқий Европада бозор иқтисодиёти ва демократияни ривожлантириш жамияти раиси Детлеф Краанинг (ГФР) «Ўзбекистонда давлат кучли фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур бўлган барча шарт-шароитни таъминламоқда. Бунда улар шунчаки кузатувчи бўлиб эмас, балки демократик жараёнларда фаол иштирок этмоқдалар. Демократик тенглик тамойили ҳар бир фуқарога мамлакат келажагини белгилашда қатнашиш имконини беради. Бу жиҳатдан Ўзбекистоннинг тажрибаси жуда ибратлидир», деган фикрини мисол тариқасида келтиради.

Шарҳ сўнгида Виталий Кулик Ўзбекистон Президенти томонидан эълон қилинган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг янги босқичини бошлаб берувчи ислоҳотларнинг «йўл харитаси» сифатида таърифлайди.

Ўзбекистон Президентининг маърузасини шарҳлар экан, «**Халқаро курьер» газетаси бош муҳаррири ўринбосари, сиёсатшунос Дмитрий Дроботун** таклиф этилган демократик янгиланишлар концепцияси ўзбек давлатчилиги ва жамиятни ривожлантириш сари ташланган навбатдаги қадам эканини қайд этди.

«Президент, — дейди у, — ҳокимиятни номарказлашган тизимга ўтказиш ва ўз ваколатларининг бир қисмини қонунчилик органларига ҳамда мамлакат Бош вазири зиммасига юклаш орқали ҳокимиятнинг барча тармоқларини, уларнинг ўзаро муносабатларидаги чегараларни аниқ белгилаб берди ҳамда бугунги демократик давлатларга хос бўлган «вазминлик ва қарама-қаршилик» тизимини шакллантирди».

Берлинда ўтказилган давра суҳбатида ҳам Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзуидаги маърузаси кенг муҳокама қилинди.

**Германия техникавий ҳамкорлик жамияти (ГТҲЖ) «Марказий Осиё мамлакатларида суд-ҳуқуқ ислоҳотларини қўллаб-қувватлаш» минтақавий дастури раҳбари Хирбод Аминлари** мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотларни шарҳлаб, Ўзбекистон Президентининг мазкур соҳадаги янги таклифлари улкан аҳамиятга молик эканлигини қайд этди. «Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришгандан сўнг ўтган қисқа давр ичида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида улкан ишларни амалга оширишга муваффақ бўлди», деди у.

Экспертнинг сўзларига кўра, «Ўзбекистон ҳуқуқий ислоҳотлар борасида Германия учун Марказий Осиёдаги муҳим шерик ҳисобланади. Шу боис ГТҲЖ минтақадаги бошқа бир давлатнинг пойтахтида эмас, айнан Тошкентда ўз ваколатхонасини очишга қарор қилган».

Мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ тизимида эришилган ютуқлар ҳақида сўз юритаркан, **Берлин ҳукумати сенатининг адлия масалалари бўйича давлат котиби Хассо Либер** «Ўзбекистон раҳбарияти бу соҳада улкан саъй-ҳаракатларни олиб бормоқда», дея қайд этди. Унинг фикрича, мамлакатда суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг олиб борилиши, шу жумладан, суд жараёнига жалб қилинган шахсларга бериладиган демократик ҳуқуқларни таъминлаш, шунингдек, фуқаролик ишларининг «халқаро битимлар» асосида ҳал этилиши ниҳоятда аҳамиятлидир. «Бу чора-тадбирларнинг юксак савияда олиб борилиши менда катта таассурот қолдирди», деди у.

Давлат котиби Ўзбекистон раҳбарияти томонидан, аввало, фуқароларни суд-ҳуқуқ жараёнларига фаол жалб этиш орқали аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни юқори баҳолади. Унинг таъкидлашича, мазкур чора-тадбирлар Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини юксалтиришга ёрдам бериши, шубҳасиз.

**«Жаҳон» АА.**

# ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

– Ўзбекистон ва Буюк Британия катта иқтисодий салоҳиятга эга давлатлардир, – деди ЎзА мухбирига Савдо ва саноат бўйича Ўзбекистон-Британия кенгаши ҳамраиси Хартли Бут. – Ўзаро савдо-иқтисодий муносабатларни изчил ривожлантириш ҳамда мамлакатларимиз ишбилармонлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган ушбу кенгаш мажлислари мунтазам ўтказиб келинаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги бўйича улкан имкониятларга эга мамлакатдир. Мазкур соҳада кўплаб янги лойиҳаларни амалга ошириш истагидамиз. Мен қадимий ва гўзал шаҳарларингиз – Бухоро ва Самарқандда кўп бор бўлганман. Ушбу анжуманда сайёҳлик соҳасида фаолият юритувчи қатор компанияларнинг иштирок этгани мазкур йўналишдаги ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш учун қулай имкониятлар яратди.

Мажлисда Ўзбекистон ва Буюк Британиянинг иқтисодий салоҳияти ва имкониятлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида юқори технологик қўшма лойиҳаларни амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Буюк Британия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди.

**Мадина УМАРОВА**

## Транспорт

# ЗАМОНАВИЙ РЕКЛАМА ВОСИТАЛАРИ

**«Метрос» шўъба корхонаси ўзининг ўн йиллик санасини нишонлади. «Тошкент метрополитени» таркибида тузилган бу корхона метрода реклама фаолияти билан шуғулланиб келмоқда.**

«Тоштрансреклама» жамияти ташкил топгач, ушбу тармоқ янада ривожлана бошлади. Ўтган йиллар мобайнида бу фаолият ер ости темир йўли тизимида ўзини тўла оқлади. Масъулият билан ишга ёндошаётган жамиятнинг саъй-ҳаракатлари, изланишлари туфайли катта иқтисодий ютуқлар қўлга киритилмоқда.

«Мерседес-Бенц» автобусларига ва юздан ортиқ «Исузу» микроавтобусларига, 80 дан ортиқ «Татра» русумли трамвайларга махсус реклама жойлари ўрнатилди.

Реклама бозорида ҳам ўзини кўрсатган мазкур жамиятда янги замонавий воситалардан фойдаланилмоқда. Бунда хорижий мамлакатларда орттирилаётган бой тажрибалар ҳам ўзлаштирилиб, қатор янгиликлар амалга оширилди.

«Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси вакилларининг Париж шаҳри(Франция)га ташрифи ҳам самарали бўлди. Туркиянинг Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган реклама бўйича халқаро ярмарканинг 10 йиллигига бағишланган кўргазмада иштирок этиши эса нур устига аъло нур бўлди. Сафар чоғида Туркиянинг ўнга яқин реклама ишлаб чиқарувчи компаниялар билан олиб борилган мулоқотларда ўзаро тажриба алмашилди. Транспорт воситалари учун алюминий профиллардан тайёрланган пешлавҳалар ҳам олиб келинди. Бу эса реклама воситалари сифати таъминланишида ижобий натижа бермоқда.

**Ирода ҚУРБОНОВА**



Ҳакимжон Солиҳов олган сурат

*Пойтахтимиз манзаралари*

## Рационализаторлик

# ИЖОДКОРЛИК САМАРАЛАРИ

**Тизим салоҳиятини оширишда илмий-тадқиқот ишлари натижалари муҳим амалий аҳамият касб этмоқда. «Энг яхши рационализаторлик таклифлар» танловида ҳам бу каби илмий-техникавий изланишлар сарҳисоб қилинди.**

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси томонидан ўтказилган бу ижодий кўрикка талайгина рационализаторлик таклифлар тақдим этилди. Қўқон, Бухоро ва Тошкент минтақавий темир йўл бўғинлари ижодкорлари лойиҳалари юқори баҳоланди.

Тошкент темир йўл бўғини рационализаторлари техника ижодкорлиги орасида қимматбаҳо бутловчи қисмлар хизмат муддатини узайтиришга доир таклифлар ҳам анчагина. Хом ашё воситаларини иқтисод қилишга қаратилган ишланма амалиётга татбиқ этилди. Бундан темирйўлчилар 128 миллион сўмлик иқтисодий фойда кўрди.

«Алоқасиз трансформатор БТ-2» темир йўл светофорларидаги сигналларни ўчириш тизимини осонлаштириш, унинг иши янада самарали бўлишини таъминлайди.

«Кучлук» бекатидаги электр таъминот тизимини ўзгартириш» лойиҳаси ҳам совринли ўринлардан бирига эга бўлди.

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти илмий-тадқиқот бўлими рационализаторларининг юзи ёруғ бўлди. «Автоматика ва телемеханика» факультети томонидан тақдим этилган «Алоқасиз микропроцессор кодли йўл транспорти» деб номланган мосламаси энергия сарфи ишлатиш муддати узоқлиги (20 йил), ҳарорат диапазони катталиги билан фарқ қилади.

Олий ўқув юртининг қурилиш факультети олимлари олиб борган изланиш «Цемент маркаларидан юқори сифатли бетонлар» ҳосил қилиш учун техник асос бўлиб хизмат қилмоқда.

**Алишер ҒАНИЕВ**

**Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида пул муомаласи тизимини такомиллаштириш, хусусан, аҳолининг банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириши учун қулай шарт-шароит яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 19 апрелда қабул қилинган «Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бунда муҳим дастуриламал бўлмоқда.**

## Қарор ва ижро

# «ЭЛЕКТРОН ҲАМЁН» КЎПАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари томонидан ушбу ҳужжатда белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Пластик карточкалар, ҳисоб-китоб терминаллари, банкоматлар ва бошқа махсус жиҳозларни юқори даражада ҳимоя қилиш, пластик карточкалардан фойдаланиш орқали накд пулсиз тўловларни амалга оширишда сохталаштириш ҳамда фирибгарликнинг олдини олиш шулар жумласидандир.

Қарорга асосан белгиланган тартибда тегишли савдо ва хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқарувчи корхоналарга солиқ ва божхона тўловларини тўлашда берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати 2012 йилнинг 1 январигача узайтирилди. Банк пластик карточкаларидан тўловлар қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминаллари билан жиҳозланиши шарт бўлган чакана савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари рўйхати кенгайтирилди.

Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, тўловлар учун ҳисоб-китобларни пластик карточкалар орқали амалга ошириш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўлида амалга оширилаётган бундай ислоҳотлар ўз самараларини бермоқда. Жойларда, жумладан, чекка қишлоқларда ҳам терминал билан жиҳозланган савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари, муомаладаги пластик карточкалар сони тобора кўпаймоқда. Аҳолининг ушбу тўлов воситасига бўлган қизиқиши, унинг қулай ва фойдали эканлигига ишончи ортмоқда.

«Алоқабанк» очиқ акциядорлик тижорат банкининг пластик карточкалар бошқармаси бошлиғи Зокир Иброҳимовнинг айтишича, деб хабар беради ЎзА, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида банк томонидан 28 минг 293 пластик карточка муомалага чиқарилган, жойларда 900 донадан ортиқ терминал ўрнатилган. Бу 2009 йилнинг шу давридагига нисбатан пластик карточкалар сони 56 фоиз, терминаллар қарийб икки баравар кўпайди, демакдир.

Коммунал хизматлар ва телефон алоқаси учун тўловларни йиғишга алоҳида эътибор қаратаётган «Алоқабанк»нинг асосий терминаллари почта ва телефон алоқа бўлимларига, банк филиал ва жамғарма кассалари ҳамда минибанкларига ўрнатилди. Қолган қисми турғун савдо ташкилотлари, автомобилларга ёнилғи қуйиш ҳамда бошқа пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларидан жой олган.

Пластик карточка – банк томонидан шахсга берилган тўлов воситаси бўлиб, у орқали карточка эгаси накд пулсиз тўловларни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Юртимизда пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда мижозлар ҳисобрақамидан маблағ ечиш ва унга пул ўтказиш Умумреспублика ягона процессинг маркази орқали амалга оширилаётгани "электрон ҳамён" эгалари ҳамда сотувчиларни турли қаллоблик ва алдовлардан ҳимоя қилишга хизмат қилмоқда.

Маълумотларга кўра, шу йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида «Алоқабанк» пластик карточкалари ҳисобрақамларига қарийб 10,9 миллиард сўм ўтказилган. Бу эса 2009 йилнинг шу давридагидан 1,2 баравар кўпдир. Банкнинг 92 фоиз пластик карточкаси турли мулкчилик шаклидаги 1,3 мингдан зиёд хўжалик юритувчи субъектлар ҳиссасига тўғри келади.

Ўз пластик карточкалари ҳамда терминаллари сонини кўпайтириб бораётган мазкур банк томонидан бугунги кунда муомалага чиқарилган халқаро тўлов карточкаларидан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтириш, аҳолига янги хизмат турларини таклиф этиш борасида изчил изланишлар олиб борилмоқда.

**Холмурод САЛИМОВ**

## Алоқа

# КАФЕДРАЛАР ҲАМКОРЛИГИДА

**Кейинги йилларда Тошкент ахборот технологиялари университети лабораториялари замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. «Телекоммуникация узатиш тизимлари» кафедраси лабораториялари янги жиҳозлар мажмуаси билан бойиди.**

Бундай хайрли ишга Санкт-Петербург телекоммуникациялар университети ҳам бош қўшди. Мазкур олий ўқув юртининг техник электродинамика кафедраси ташаббус кўрсатиб, бир неча техника қурилмаларини совға қилди. Оптик толали алоқа воситаларига доир мосламалар ҳам тақдим қилинди. Ҳар икки университет ўртасидаги ўзаро келишувга мувофиқ кадрлар алмашиши йўлга қўйилади ва махсус семинарлар уюштирилади.

# АСПИРАНТЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги малакали мутахассис кадрлар тайёрлашга яқиндан кўмак бермоқда. Тошкент ахборот технологиялари университетини қўллаб-қувватлаш дастури ҳам изчил амалга оширилмоқда.**

Олий ўқув юртининг аспирант маркази эса 40 миллион сўмлик компьютерлар ва маиший техникалар билан таъминланди.

Айни вақтда марказда интернетга уланган компьютер синфи ва мультимедиа-маъруза хонаси ҳам ташкил этилди.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, ҳозир университетда 4[illegible] дан ортиқ аспирант, 50 га яқин тадқиқотчи фан тараққиёти йўлида изчил изланмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

